

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY JURNAL



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

19-fevral
2026-yil
7 (1 161)

@21asr.uz

XXIasr_yangilik

xxiasrgazetasi

XXIasrgazetasi



РАМАЗОН – МЕХР-МУРУВВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Бутун ислом дунёсида бўлгани каби бизнинг минтақада, жумладан, Ватанимизда ҳам бугун **Рамазон ойи** бошланди! Бу ойнинг нақадар баракотли, фазилатли эканини таърифлаш ортиқча. Тинчлик, раҳмат, мағфират, хайр-саховат, саломатлик ойи – **Рамазон барчамизга муборак бўлсин!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорида алоҳида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда

инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган **муборак Рамазон ойи** халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айланмоқда.

Аграр соҳада ислохотлар самара билан ўлчанади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси раҳбари, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси Актам Хаитов вилоятида фаолият олиб бораётган фермер ва тадбиркорлар томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ғалла майсалари парваришини юксак агротехнологиялар асосида ташкил этиш, баҳорги экиш ишларига ҳозирлик кўриш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

2

РАМАЗОН ОЙИДА
ЭҲТИЁЖМАНД
ОИЛАЛАРНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
УЧУН 1 ТРЛН Сўмдан
Ортиқ Маблағ
АЖРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилишда шу ҳақда маълум қилди. Ажратиладиган маблағ ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниш ва жарроҳлик амалиётлари харажатларини қоплаб бериш кўзда тутилган.

4




О'zLiDeP ТАШАББУСИ
МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

5



ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА
ЭСИНГИЗ КЕТМАСИН...

6



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БИЛАН ИШЛАШ
УЧУН ҲАМ АҚЛ КЕРАК

БПТ: ҳисобот сайловлари бошланди!

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига кўра, жорий йил 16 февралдан 16 апрелга қадар сиёсий кучнинг ҳудудий кенгашлари таркибига кирувчи 16 705 та бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади. Аввало, қуйи бўғинларнинг ўтган йилги фаолияти обдан таҳлил этилади ва сўнгра етакчилар сайлов асосида сараланади.


 ИШЧИ ГУРУХ

Аграр соҳада ислоҳотлар самара билан ўлчанади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси Актам Хайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган фермер ва тадбиркорлар томонидан кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ғалла майсалари парваршишни юксак агротехнологиялар асосида ташкил этиш, баҳорги экин ишларига ҳозирлик кўриш ҳамда "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Қамаши туманидаги "Эрдонов Шамсиддин Ботир ўғли" фермер хўжалигида ўтказилган мулоқотда "Фермерга ҳуқуқий ёрдам" акцияси доирасидаги бухгалтерия хисобини тўғри юритиш, молиявий шафдофликни таъминлаш, фермерларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, қишлоқ хўжалигида устоз-шогирд анъанаси, қолоқ фермерларни тажрибали фермерларга бириктириб қўйиш орқали фаолиятини кучайтириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш бора-сидаги тажрибаларини мустаҳкамлаш, кибер-

гини ошириш, фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасида O'zLiDePнинг Сайловдаги дастуридан ўрин олган устувор вазифалар хусусида маълумот берилди. Ўзбекистон фермерлари кенгаши ва O'zLiDeP ҳамкорлигида амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, замонавий техника воситалари харид қилиш учун молиявий кўмак ажратиш, уларни қўллаб-қўллаётган муаммоларни партиявий таъсир чоралари кўмагида ижобий ҳал этиш борасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Қиш охирида қолди. Баҳор нафаси уфуряпти ўлкада. Далаларда ғалла майсалари бўй кўрсата бошлади. Демак, деҳқонлар учун катта синов бошланипти. Маълумки, ғалла зараркунандалари – зарарли хасва, шиллиққурт, ғалла ширалари ва бўғдой трипси кабилар дон сифатини пасайтириб, 5 фоиздан 50 фоизгача ҳосил йўқотилишига сабаб бўлади. Шу боис химоя тадбирларини кечиктирмасдан амалга ошириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали препаратлардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Чироқчи туманидаги Томорқа илмий-амалий марказида Шаҳрисабз, Китоё, Яқкабоғ тумани фермерлари иштирок этган амалий семинарда Президентимизнинг 2025 йил 9 декабрдаги "Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда

тариш берилди. Шунингдек, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раёсатининг мурожаатида белгиланган долзарб вазифалар тўғрисида ҳам батафсил айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ғалла бозорини эркинлаштириш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттириш, ички бозорда бўғдой ва ун маҳсулотлари нархи барқарорлигини сақлаш учун кенг кўламли ишлар олиб бориш мақсадида зарбдор ойлиги эълон қилинди. Шу давр мобайнида ғалла майсаларини биринчи озиқлантириш, стимуляторлар сепиш ишларини бажариш, сариқ занг касаллигига қарши курашиш чора-тадбирлари кўрилади.

Муборак туманидаги "Ойсултон" фермер хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбарининг пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашга оид қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ ишлар муҳокама марказида бўлди.

– Мазкур муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ғўза навларидagi кўсак курти (В) ва глифосат (G)га бардошли генларни маҳаллий навларга ўтказиш орқали республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида етиштиришга мос, тезлишар, тола чиқими ва сифати юқори ғўза навларини яратиш ҳамда уруғчиликни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди, – деди Актам Хайтов. – Мамлакатимизда "Шинжон тажрибаси" (76x10 см қўшқатор схемада, плёнка остида, 220 – 240 минг/га кўчат сони) асосида интенсив агротехнологияни қўллаган ҳолда пахта етиштириш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Бундай интенсив усулда етиштирилаётган пахта майдонларида дронлар ёрдамида агротехник тадбирларни амалга ошириш борасида илмий асосланган таҳлилий материаллар, хулоса ва тавсиялар билан барча фермерларимиз таништирилиб, билим ва тажрибаси шакллантирилмоқда. Асосий мақсад – ерлардан самарали фойдаланиш, тезлишар ва серҳосил чигит навлардан экин орқали фермер хўжалиklarининг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдир.

Мулоқот чоғида бу йил Қашқадарё пахта далаларига Хитойнинг "Шинжон тажрибаси" қўлланилган ҳолда 76x10 см схемада чигит экин ишларини ташкил этиш ҳамда мазкур схемада чигит экадиган 100 донна хоризг сеялкаларини келтириш борасидаги ишлар юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ишчи гуруҳ воҳодаги фермер ва маҳалла фаоллари билан мулоқотларда Президент топириги ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг "2025–2026 йилларда "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатларини экин ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги йиғилиш баёни мазмун-моҳияти ва белгиланган муҳим вазифалар ижроси билан ҳам танишиб, баҳорги кўчат экин ишларини уюшқоқлик ва ҳамжихатлик билан ташкил қилиш, бу хайрли ишга барча аҳолини жалб этиш борасида тегишли маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бутун Ўзбекистон бўйлаб старт олган "Яшил макон" умумий лойиҳаси нафақат экологик, балки иқтисодий аҳамият касб этувчи кенг кўламли ташаббусдир. Бу йил баҳорда

рилди. Сабаби, аксар фермер хўжаликлари ўтган йили об-ҳавонинг ноқулай келгани оқибатида давлатга ғалла сотиш бўйича шартномаларни бажара олмаган. Натижада иқтисодий аҳвол қийинлашиб, солиқларни ҳам ўз



мамлакатимиз бўйлаб 75 миллион туп дарахт кўчатлари экин вазифаси қўйилган. Табиат умримизнинг абадий ҳамроҳи, саломатлигимизни асровчи мезондир. Дарахт экин эса чор-атроф мусофоллигини таъминлаш, соғлом ва бахтли келажакни барпо этишдир. Бу хайрли ишда нафақат дала меҳнатчилари, балки ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшиши керак. Илгари Самарқанддан Қаршига қадар йўл четларида турли хил манзарали дарахт гуркираб, солланиб турарди. Эътиборсизлик оқибатида уларнинг қўли қуриб кетди. Натижада воҳа экологияси ўзгармоқда, экинларга гармсел ва шамоллар жиддий зиён етказаяпти.

Учрашув жараёнида воҳодаги сановат зоналари ва корхоналари атрофларида "яшил белбоғлар" барпо этиш, "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, яшил худудлар майдонини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар таҳлил этилди. Вилоятнинг катта қисми чўл худудларидан иборатлигини инобатга олган ҳолда чўлланишга қарши курашиш ишларини тизимли амалга ошириш, экилаётган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлиги, яшовчанлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш борасидаги долзарб вазифалар ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Эътиборли жиҳати, ишчи гуруҳ аъзоларининг деҳқонobodлик фермерлар билан кечган учрашувда жиддий муаммолардан бири – лалмикон майдонлар масаласи кўта-

вақтида тўлаш учун маблағлар етишмаслиги ҳолати юзага келган. Фермерлар солиқ қарзларини уч йилга "музлатиш" бўйича таклиф билдиришди. Шунингдек, туманда камбағалликни қисқартириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Деҳқонobod асосан чорвачиликка иқтисослашган туман бўлгани боис аҳоли даромадини ошириш учун асосан майда шохли моллар парваршиш қўл келади. Аммо камбағал оилаларга таъминотчи орқали кредит ажратилаётгани боис қўй-эчкилар нархи кескин ошиб кетиб, даромад олиш имкони бўлмапти. Шу боис чорва моллари харид қилиш учун ажратилаётган кредитни фуқаронинг пластик картасига ташлаб берган ҳолда бозордан ўзи танлаган майда шохли чорва молини харид қилиш имконини яратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, мулоқот иштирокчилари томонидан дала зараркунандаларига қарши курашиш ишлари кенг бажарилаётгани боис яхши самара бермаётгани билдирилиб, бу борадаги мурожаатларни Ўзбекистон фермерлари кенгаши раҳбарияти томонидан назоратга олинишида амалий ёрдам сўрашди. Мулоқот чоғида айтиб ўтилган камчилик ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш хусусида зарур кўрсатмалар берилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши маълум қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири
Суратларни
Зойиржон НОРБУТАЕВ олган.



хавфсизликни кучайтириш, банк кредитлари билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари атрофлича муҳокама қилинди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонли-

2026 йил 5 февралдаги "Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳамда фермерларга имтиёз ва ваколатлар ҳақида тушун-


 САРҲИСОБ

Қўшма йиғилишда қўшимча вазифалар белгиланди

Анъанага кўра ҳар йил бошида маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолият таҳлил ва депутатлар, партия фаоллари ҳисоботи эшитилди, янги режалар белгиланади. Ана шундай тадбирлардан бири O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳамда партия вилоят кенгашининг қўшма йиғилишини сиёсий кучнинг вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати **Обиджон Ҳамидов** бошлаб берди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда 2026 йили устувор вазифалар муҳокама қилинди. Бу борада вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ферузжон Фозилов ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, мазкур қарорга асосан 2025 йилда вилоятда 270,1 минг нафар аҳолини даромадди меҳнат билан таъминлаш дастури тасдиқланиб, изчил ишлар олиб борилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йил якунида 277,9 минг нафар фуқаро даромадди меҳнат билан банд қилинди. Жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 19 396 нафар, доимий иш ўринларига жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб этиш орқали 170,6 минг нафар, қишлоқ хўжалигида 78,5 минг нафар ҳамда қурилиш соҳасида 9 315 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Натижада ишсизлик даражаси йил бошидаги 5,4 фоиздан 3 фоизга туширилди.

2025 йил бошида вилоятда 41,3 минг камбағал оиланинг 181 минг нафар аъзоси рўйхатга олинган бўлиб, камбағаллик даражаси 8,7 фоизни ташкил этган эди. Президент

қарори асосида 19 минг 558 оиланинг 89 минг 574 нафар аъзосини камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Хусусан, 20 748 оила доимий ишга жойлаштириш, 6 770 оила имтиёзли кредит ажратиш, 559 оила субсидия ва ссуда бериш, 2 605 хонадон касб-хунарга ўқитиш орқали тадбиркорликка жалб қилиш, 21 123 оила эса тадбиркорлик фаолиятга йўналтириш орқали қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги қарори асосида ишлаб чиқилган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида вилоятдаги 55 та "оғир" маҳалла танлаб олиниб, уларнинг инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир маҳаллага ўртача 3,2 миллиард сўмдан, жами 165 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, республика бюджетидан 122,1 миллиард сўм йўналтирилиб, 109,3 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди.

Суғориш тизимини яхшилаш натижасида 16 018 та хонадоннинг 4,3 минг гектар томорқа ва ижара ерларида йилга 2–3 марта ҳосил олиш имконияти яратилди. Натижада томорқадан олинаётган даромад 1,5–2 миллион сўмдан 6–7 миллион сўмгача ошди. Электр таъминоти тизими янгилаштириш орқали 16 753 та хонадоннинг шароити яхшиланди, мазкур маҳаллаларда 1100 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Камбағал оилаларнинг даромад манбаини кўпайтириш мақсадида 2025 йил баҳор мавсумида 3 500 та



иҳчам иссиқхона куриб берилди, йил якунига қадар улар сони 5 000 тага етказилди. Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар самарасида 2025 йил якунида камбағаллик даражаси 8,7 фоиздан 5,7 фоизга қисқарди. Ийгилишда 2026 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди. Жорий йилда 381,5 минг нафар аҳолини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ва яширин иш ўринларини легаллаштириш орқали бандликни таъминлаш режалаштирилмоқда. Хусусан, фуқароларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, норасмий бандликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилади.

Шунингдек, 12 минг 305 та камбағал оиланинг 48,7 минг нафар аъзоси даромадини оширишга қаратилган манзилли хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган. Жумладан, 4 307 оила доимий ишга жойлаштириш, 1 970 оила

даромадини ошириш дастурлари, 738 оила касб-хунарга ўқитиш, 985 оила норасмий фаолиятини легаллаштириш, 370 оила расмий ташқи меҳнат миграциясига жалб қилиш, 3 935 оила эса тадбиркорликка йўналтириш орқали қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд бўлган 2 981 та оиланинг 11,8 минг нафар аъзоси даромадини ошириш мақсадида уларга манзилли ва комплекс хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, 7 834 та оиланинг 31 минг нафар аъзосини камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

Жорий йил якунига қадар тижорат банклари ва ҳоким ёрдамчилари ҳамкорлигида ҳар бир маҳаллада ўртача 40 тадан, жами 20 640 та микро-лояиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Бу орқали 41 280 та янги иш ўрни яратилади. Белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси натижасида йил охирига бориб ишсизлик ва кам-

бағаллик даражасини камида 2 фоизга камайтириш мақсад қилинган.

Йиғилишда O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, 2026 йил учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада **партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Бобомурод Очилов** ахборот берди.

Қайд этилганидек, O'zLiDePнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партия электорати билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида маслаҳатлар иштирокида турт мингга яқин давра суҳбати, семинар-тренинг, очиқ мулоқот ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадлари кенг тарғиб қилинди. Бу эса аъзолар сонининг орттишига ва қўйи бўғинлар фаолиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи

фаолиятда ҳам ҳисобот даврида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Аҳоли ва сайловчилар мурожаатларини ижобий ҳал этишга қаратилган депутатлик сўровлари амалий самара бермоқда. Назорат-таҳлил ишларининг кенг йўлга қўйилиши халқ вакиллари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш имконини яратди.

Кун тартибидagi масалалар муҳокамасида вилоят кенгаши депутати Мансур Зокиров, партия Вобкент тумани кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Тўлқин Жўраев, маҳаллий кенгаш депутати Умид Курбонов, O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Мамлакат Содиқова, Бухоро давлат университети талабалари ва партия "Ёшлар қаноти" аъзолари Лазида Азимова, Севинч Ҳикматова ҳамда бошқалар сўзга чиқди. Улар иш билан таъминланиб, даромади оширилаётган фуқароларга солиқ солиш тартиблари, мактаб битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш, янги иш ўринлари яратишга айрим соҳаларда етарлича эътибор берилмаётгани, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш чоралари, стартап лойиҳалар самарадорлиги, ҳисоботлардаги айрим номутаносибликлар юзасидан депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, "ишонч телефонлари"нинг худудлардаги муаммоларни тезкор ҳал этишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Қўшма йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаоллари олдига турган долзарб вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ДАСТУРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАЙДИ, НАТИЖА ҲИСОБГА ОЛИНАДИ



Сеvara УБАЙДУЛЛОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон кадрини улуглаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари тасдиқлаган 2026 йилга мўлжалланган устувор ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ана шу эзу мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда навбатдаги муҳим босқичдир. Бу борада стратегик асос сифатида 337 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу режа ҳар бир соҳада аниқ қарорларни белгилай беради.

Янги йил нафақат ислохотлар ижроси, балки қонунчиликни янгилаш йили ҳам бўлади. Дастур доирасида соҳалар кесимида 59 та энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади, энг муҳим стратегик ислохотларни назарда тутувчи 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тасдиқланади. Улар ислохотларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва тизимли ўзгаришларнинг давомийлигини таъминлайди.

Дастурларнинг энг муҳим хусусияти – уларнинг қоғозда қолмаслигига қаратилганидир. Энди ислохотлар ҳужжат қабул қилиш билан эмас, балки аниқ натижага эришиш орқали баҳоланади. Ҳар бир соҳада самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган. Бу эса масъул раҳбарлар фаолиятини аҳоли ҳаётидаги реал ўзгаришлар орқали баҳолаш имконини беради. Агар маҳаллада йўллар таъмирланса, ичимлик суви яхшиланса, иш ўринлари яратилса, демак, механизм ишламоқда!

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”

деб эълон қилиниши давлат сиёсатида маҳалланинг ўрни янада ошганини кўрсатади. Чунки одамлар кундалик ҳаётида давлатни айнан маҳалла орқали ҳис қилади. Шу боис дастур доирасида маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади, ички йўллар, пидедалар ва велоўйлақлар барпо этилади, ижтимоий объектлар таъмирланади, маблаглар сарфи очик ва шаффоф бўлади. Бу ўзгаришлар, аввало, оддий халқ ҳаётига етарлича шароит ва қулайлик яратади.

Дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида илк бор жамоатчиликнинг фақат кенг қамровда инobatга олинди. Интернет орқали 5 миллиондан ортиқ фуқаро лойиҳалар билан танишди, 22 мингдан зиёд таклиф келиб тушди. Энг муҳими, шулардан мингга яқин амалий ва конструктив таклифлар давлат дастурига киритилди. Жумладан: аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони кучайтириш, педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини жорий этиш, ипотека ва электромобиль хариди бўйича кредитларни соддалаштириш ва экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш. Бу қарорлар давлат бошқарувида халқимизнинг ташаббускорлигини кўрсатади.

Ҳужжатларни ишлаб чиқишда илк бор нафақат юртимиз, балки хориждаги ватандошларимизнинг ҳам овози эшитилди. АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозоғистонда истиқомат қилаётганлар иштирокида қизгин муҳокамалар ташкил этилиб, 60 га яқин муҳим таклиф олинди. Улар орасида тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи “Exports-a-service” (экспортни сервиси сифатида ташкил этиш) ва “performance-based subsidy” (натижага боғланган имтиёз) каби замонавий иқтисодий моделлар, шунингдек, таълим ва адвокатура тизимини

рақамлаштиришга оид ташаббуслар бор.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳамюртларимиз томонидан илгари сурилган ва давлат дастуридан жой олган энг муҳим ижтимоий тақлифлардан бири бачадон бўйни ва кўкрак беги саратони бўйича ягона рақамли скрининг тизимини жорий этиш бўлди. Бу тизимнинг афзалликлари нимада? Аввало, вақтни тежаш ва эрта ташхис. Зеро, саратоннинг ушбу турлари эрта босқичда аниқланса, 90-95 фоиз ҳолатда тўлиқ даволанади. Рақамли тизим ҳавф гуруҳидаги аёлларни автоматик аниқлаб, уларни текширувга таклиф қилади. Иккинчидан, соҳада инсон омилни камайитириш, барча тиббий маълумотлар ягона базада бўлади, бу эса хато ташхис қўйиш хавфини камайитириш ва даволал жараёнини мониторинг қилиш имконини беради. Манзилли кўмак – тизим қайси ҳудудда касаллик кўп учраётганини кўрсатиб беради ва давлат ресурсларини айнан уша ерга йўналтиришга ёрдам беради.

Дастурда 2026 йилда иқтисодиётни инновацион ва технологик ривожланиш йўлига ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадлар учун 250,5 трлн сум маблаг ажратилиши ва 50,4 млрд доллар инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган. Қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга етказиш, экспортни қўллаб-қувватловчи замонавий хизматлар жорий этиш, янги санаот корхоналарини ишга тушириш, буларнинг барчаси янги иш ўринлари ва аҳоли даромадларини оширади.

Дастурнинг тўлиқ амалга ошиши устидан парламент назорати ҳам кучайтирилади. Ҳар ярим йилда ҳукумат ҳисоботи эшитилиб, маблагларнинг мақсади сарфланиши ва белгиланган вазифаларнинг ижроси таҳлил қилиб борилади. Бу эса қабул қилинган қарорлар амалда ҳам самара беришини таъминлайди.

САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ ИҚТИСОДИЙ БАҲАҚОРОРЛИК ПОЙДЕВОРИДИР

Маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, санаот тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга қаратилган янги ташаббуслар иқтисодий тараққиётнинг муҳим босқичга чиқаётганидан далолат бермоқда.



Бахтиёр АРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 февралдаги “Маҳаллий ишлаб чиқариш ва санаот кооперациясини янги тизим асосида ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони санаот кооперациясини тизимли равишда кучайтириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулотларга устуворлик бериш ва бозор механизмларини кенг жорий этиш орқали миллий иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиши билан янада аҳамиятлидир.

Ҳужжатнинг устувор жиҳатларидан бири санаот кооперацияси ва давлат харидлари соҳасида ягона бошқарув тизимини жорий этиш ва бу орқали соҳадаги тарқоқлик бартараф этилиб, барча жараёнларни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишидир. Бундан ташқари, юқори технологияли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган қўшилган қиймат занжирларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу, нафақат, ички бозорни сифатли ва замонавий маҳсулотлар билан таъминлаш, балки экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, ўзлаштириш тасвия этилаётган истиқболли маҳсулот турларини аниқлаш орқали ишлаб чиқаришнинг манзилли ва самарали

ташқиқ этиш имконияти яратилиб, бутловчи буюмлар, хомаш ва материалларни маҳаллийлаштириш иқтисодиёт тармоқларининг ташқи омиллarga бoғлиқлигини камайитиради. Бу эса бугунги кунда глобал бозорлардаги ўзгарувчан шароитда миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлайди, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

Айниқса, йирик корхоналар ишлаб чиқариш занжирларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кенг жалб қилишга фармонда алоҳида эътибор қаратилган. 167 млрд долларлик ЯИМ маррасига эришиш учун кооперация алоқаларини муштақамлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва иқтисодий фаолликни ошириш зарур.

Таъкидлаш жоизки, давлат харидларида маҳаллий маҳсулотларга устуворлик бериш механизмларининг такомиллаштирилиши ички бозорда талабни рағбатлантиради, на-

тижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот таннархи пасаяди, соғлом рақобат муҳити шаклланади. Ишлаб чиқариш қувватларини технологик янгилаш, халқаро сифат стандартларини жорий этиш ва инновацион ечимларни ўзлаштириш миллий санаот рақобатбардорлигини таъминлаш механизми фармонда очиб берилган.

Тан олишимиз керакки, бугунги глобал иқтисодий ўсиш шароитида ҳар бир давлат, аввало, ўзининг ички имкониятларига таянади. Ушбу фармон ижроси орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, санаот кооперациясини муштақамлаш ва давлат харидлари орқали миллий тадбиркорларни рағбатлантиришга эришамиз. Натижада янги иш ўринлари яратилади ва аҳоли фаровонлиги ошади.

МУРОЖААТНОМА ЗАМИРИДА ХАЛҚ МАНФААТИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, қамрови ҳамда стратегик аҳамияти жиҳатидан Янги Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб берувчи дастурий ҳужжат сифатида гоят қадрли. У нафақат ўтган йил натижаларининг ҳолис таҳлили, балки келгуси ислохотларнинг илмий асосланган, пухта ўйланган ва халқ манфаатларига тўлиқ мос йўналишларини белгилай беради.

Мурожаатноманинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда алоҳида соҳалар эмас, балки иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тараққиёт ягона тизим сифатида қаралади. Бу эса замонавий давлат бошқарувида қўлланилаётган илмий ёндашувларга тўлиқ мос келади.

Президент иқтисодий ўсиш масалаларига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор ошиб бориши, миллий экспорт салоҳиятининг янги бозорлар ҳисобидан кенгайиши, энг муҳими, инвестиция муҳитининг тубдан яхшиланиши мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар пухта илмий асосга эга эканини яққол намоён этмоқда. Бу натижалар тасдиқий эмас, балки узокни кўзлаб, босқичма-босқич ва аниқ ҳисоб-китобларга таянган ҳолда олиб борилаётган давлат иқтисодий сиёсатининг мантқиқий самарасидир.

Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни фақат рақамлар ёки статистик кўрсаткичлар орқали баҳолаш етарли бўлмайди, албатта. Энг муҳими, бу ўсиш реал ҳаётда ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзида сезилмоқда. Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлигининг ортиши, оилалар даромад манбаларининг кенгайиши иқтисодий ислохотларнинг инсон тақдирини билан узвий боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

Айниқса, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номуносибликларни камайитириш, чекка ва қишлоқ ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг амалий натижалар бераётгани алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарор тараққиёт фақат пойтахт ёки йирик шаҳарлар ҳисобидан эмас, балки бутун мамлакат ҳудудларининг уйғун ривожига орқали таъминланади. Бу эса жамиятда ижтимоий барқарорлик, давлатга ишонч ва келажакка умидни муштақамлайди.

Мурожаатномани қайта-қайта ўқир эканмиз, унда иқтисодий тараққиётнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, давлат сиёсати марказида айнан инсон қадри турганини англаш қийин эмас. Бу тамойил ҳар қандай барқарор, адолатли ва демократик давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади. Мурожаатномада илгари сурилган иқтисодий ёндашув айнан шу ғояга таянади.

Маълумки, ижтимоий сиёсат ҳамиша инсон қадри тамойилининг амалий ифодаси бўлиб кел-



Алмагул БАЙРЫЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты

моқда. Камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Бу ёндашув инсон капитали назариясига тўлиқ мос келади. Чунки жамиятнинг узок муддатли тараққиёти, аввало, аҳолининг билим даражаси, соғлиғи ва ижтимоий барқарорлиги билан белгиланади.

Мурожаатномада таълим ва илм-фан соҳасига алоҳида аҳамият қаратилганини таъкидлаш лозим. XXI асрда давлатлар ўртасидаги асосий рақобат билим, технология ва инновация майдонида кечмоқда. Олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни рағбатлантириш мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади.

Айниқса, илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасида муштақам алоқаларни йўлга қўйиш, университетларни инновация ва тадқиқот марказларига айлантириш ғояси катта амалий аҳамиятга эга. Бу орқали юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратилади, миллий иқтисодиёт хомашга қарама-қарши босқичма-босқич ҳалос бўлади.

Президент Мурожаатномасида коррупцияга қарши кураш, ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам кенг ўрин берилди. Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва миллий манфаатларга асосланган ташқи сиёсати мамлакатнинг халқаро нуфузини муштақамламоқда. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш миллий иқтисодиёт рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу мурожаати Янги Ўзбекистон тараққиётининг илмий асосланган йўл харитаси, халқ манфаатларига садоқат ва узок муддатли стратегик мақсадларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат вазифасини ўтайди. Бу нафақат сиёсий ҳужжат, балки халқимиз учун умид, келажакка ишонч ва тараққиёт қафолати ҳамдир.

РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЁТ

Хал қилувчи аҳамиятга эга

Жаҳонда беқарорлик кучайган, геосиёсий зиддиятлар ва бозорлар тебраниши оддий ҳолга айланган бир пайтда иқтисодий барқарорликни сақлаш осон эмас. Бугун иқтисодий ўсиш масаласи статистик ҳисобот ёки расмий баёнот мавзуси эмас, балки ҳар бир оиланинг даромади, бозордаги нарх-наво, ёшларнинг иш билан таъминланиши, тадбиркорнинг эркин фаолият юритиши билан боғлиқ ҳаётини масалаларга айланади.

Жорий йилнинг 13 февраль кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қўйилган вазифалар ана шу нуқтаи назардан гоят долзарб аҳамият касб этади. Шу ўринда ўтган йил якунлари жиддий таҳлил талаб қилади. Ялпи ички маҳсулот 7,7 фоизга ўсиб, 147 млрд доллардан ошди. Ўсишнинг ярмидан кўпи хизматлар соҳаси ҳисобига таъминлангани иқтисодиёт таркибиде сифат ўзгаришлари кечаётганини кўрсатади. Қишлоқ ҳўжалигида гектаридан ўртача даромад 5 минг долларга яқинлашди, меҳнат унумдорлиги 4,7 фоизга ошди. Энергия сарфи самарадорлиги яхшиланиб, бир долларлик қўшилган қийматга тўри келадиган энергия харажати 15 фоизга қисқарди. Бу рақамлар модернизация жараёни чуқурлашаётганидан далолат.

Шунинг баробарида ҳудудлар кесимида номуносибликлар ҳам бор. Уч йилда республика санаоти 21 фоиз ўсган бўлса-да, айрим туманларда 10 фоизга ҳам етмаган. Кредит ва инвестиция ҳажми ортиши билан ишлаб чиқариш суръатлари мутаносиб эмас. Демак, муаммо маблаг етишмаслигида эмас, бошқарув ва самарадорликда. 2026 йил учун 6,6 фоизлик ўсиш ва ЯИМни 167 млрд долларга етказиш режаси эҳтиёткор прогноз сифатида белгиланган. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, янги технология, рақамлаштириш, сунъий интеллект, кооперация ва экспортни диверсификация қилиш орқали имкониятлар анча кенг. Масала ҳар бир тармоқ раҳбарининг ташаббускорлиги ва жавобгарлигига боғлиқ тақалади.

Стратегик корхоналар фаолиятини қайта кўриб чиқиш бўйича берилган

топшириқлар ўта муҳим. Миллий инвестиция жамғармаси бошқарувида жалб этилган “Franklin Templeton” компанияси таҳлилларида логистика, корпоратив маданият ва энергия самарадорлигида катта захиралар мавжудлиги қайд этилган. Таннархни 10-15 фоизга қисқартириш вазифаси ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайтириш эмас, ички резервларни сафарбар этиш орқали амалга оширилиши лозим. Бу ёндашув рақобатбардор иқтисодиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Инвестиция сиёсати янги босқичга чиқмоқда. Жорий йил 50 млрд доллар хоржий инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Шу билан бирга, қиймати 165 млрд долларлик 377 та стратегик лойиҳа алоҳида назоратга олинмоқда. Эндиликда лойиҳа ишга туширилгани билан чекланилмайди, унинг қўшилган қиймати, экспортбўлиги ва иш ўринларини яратиш салоҳияти уч йил давомида мониторинг қилинади. Бу тартиб масъулиятни кучайтиради ва формал ёндашувларга чек қўяди.

Экспорт 24 млрд долларга етгани кувонarli. Аммо ички бозор имкониятлари чекланган шароитда юқори ўсишни таъминлаш учун янги маҳсулот ва янги бозорларга чиқиш жоиз. Эски иш услуби билан узокқа бориб бўлмайди. Қўшилган қиймат занжирини чуқурлаштириш, санаот кооперациясини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш стратегик вазифадир.

Нарх-наво барқарорлиги масаласи алоҳида эътиборда. Январ ойида инфляция 7,2 фоиз бўлди, унинг қарийб ярми озиқ-овқат ҳисобига тўғри келади. Гўшт нархи таъсири 13 фоизни ташкил этгани эса озуқа базаси муштақам эмаслигини, 772 минг тонна картошка импорт қилингани ички имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганини англайди. Шу



Хилола ЮСУПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

боис 60 минг гектарда қўшимча озуқа экиш, 4,5 млн тонна картошка ҳосилига эришиш вазифаси қўйилди. Бу қарорлар нарх барқарорлиги ва аҳоли даромадларига бевосита таъсир кўрсатади.

Давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш ҳам иқтисодий ўсиш драйверларидан бири. 300 трлн сўмлик харидларда 68 фоизлик кўрсаткичга эришилган. Айрим йирик корхоналарда бу даража анча паст. Бу ерда ҳам ёндашувни ўзгарттириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва сифат масаласини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳал этиш талаб қилинади.

Ушбу жараёнларда парламентнинг ўрни алоҳида. Иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, бюджет маблаглари ва инвестиция дастурлари ижросини назорат қилиш, ҳудудларда қонунлар амалда қандай ишлаётганини ўрганиш асосий вазифамиздир. Ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини турганини ҳис этамиз. Шу боис қонун ижодкорлиги жараёнида бизнес муҳитини енгиллаштириш, тадбиркорларни ортиқча текширув ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, рақобатни кучайтиришга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш устувор бўлиб қолади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш фақат энг ҳокимияти зиммасидаги вазифа эмас, балки умумий миллий мақсаддир. Парламент назорати, жамоатчилик фаоллиги ва очик муҳокамалар орқали қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги ошади.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш бугунги кунда олдимиздаги энг муҳим стратегик вазифа. Бунинг учун қатъий интизом, чуқур таҳлил ва шахсий жавобгарлик талаб этилади. Ана шундангина рақамлар ҳаёт сифатида айланади, ўсиш суръатлари халқ фаровонлигида ўз аксини топади.

O'zLiDeP Ташаббуси Муҳокамалар Марказида

Қирқ йилда қирқ беш баробар ўсган жабҳа

Жаҳон бўйича иссиқхона соҳаси тез суръатларда ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги тармоқларидан бири ҳисобланади. Tridge.com нашрининг маълумотларига кўра, 2024–2025 йилларда ер юзи бўйлаб иссиқхоналар майдони 1 300 000 гектарга етган. Бу кўрсаткич 40 йил аввалги 300 км² майдон билан солиштирилганда қарийб 45 баробарга ўсганини, иссиқхоналар 119 мамлакатда фаол хўжалик турига айланиб улгурганини кўриш мумкин.

Хўш, нега иссиқхоналар талаб сўнгги ярим асрда бу даражада ортиб кетди?

Ушбу саволга қисқагина қилиб жавоб айтиш мушкул. Демографик ўсиш, истеъмолда сунъий озуқа маҳсулотларининг миқдори ортиб бориши, экологиянинг ёмонлашуви, иммунитетни мустаҳкамлаш истаги, соғлом овқатланиш ва ҳоказо...

Иссиқхоналар нафақат маҳсулот етиштириш, балки меҳнат ва бандлик соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хозирги пайтда жаҳон миқёсида ишчилар сони бўйича ягона статистика мавжуд эмас, аммо мамлакатлар мисолига қаралса, ҳолатни тасаввур қилиш мумкин. Нидерландияда 9 000 гектардан ортиқ иссиқхона майдонида 3 308 та маҳсул компания фаолият юротади ва уларда 150 000 кишининг бандлиги таъминланган. Ўзбекистонда эса иссиқхона тармоғида тахминан 35 000 киши меҳнат қилади. Глобал таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Хитой, Европа ва АҚШ каби давлатларда иссиқхона соҳасида ишловчилар сони миллионларни ташкил этади.

Дунё бўйлаб иссиқхоналарда асосан сабзавот, мева, гуллар ва доривор ўсимликлар етиштирилади. Поми-

шаҳрида PM2.5 чанг зарралари таъсири оқибатида ҳар йили 3 042 нафар инсон барвақт ҳаётдан кўз юмади. Бунинг иқтисодий зарари қарийб 488 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан 0,7 фоизини ташкил қилишига нима дейсиз!?

Мутахассислар ҳаво ифлосланишининг асосий манбаларини иситиш тизими, транспорт, саноат ва шамол билан кўтариладиган чанг ўртасида тақсимлайди. Қиш ойларида эса ушбу манбалар ичида иссиқхоналарнинг улуши кескин ортиб кетади. Экологлар таъбири билан айтганда, "Тошкент атрофида кўмир ёқиб ишлаётган иссиқхоналар ҳалқаси" шаклланган.

Муаммонинг яна бир оғриқли томони – иситиш тизимларининг самарасизлиги. Эски конструкциялар, паст сифатли изоляция ва ҳаво айланишининг етарли даражада эмаслиги натижасида энергиянинг 20–30 фоизи бекорга сарф бўлади. Европа давлатларида, хусусан, Польша ва Скандинавия мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фақат конструктив яхшилаш орқали ҳам энергия сарфини ва углерод чиқиндиларини камида чорак баробар қисқартириш имкони мавжуд. Ўзбекистонда эса энергия қимматлашаётган бир пайтда самарасиз тизимлар ишлаб турибди, натижада маҳсулот таннархи ошиб, кўпга фермерлар қарз домига тушиб қолмоқда. 2022 йилда иссиқхоналарнинг қарийб 40 фоизи солиқ, қарз ва коммунал тўловлар билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келгани бежиз эмас.

Глобал миқёсда ҳам вазият ташвишли. 2023 йилда Ғунё бўйича иссиқхона газлари чиқиндилари 53 миллиард тонна CO₂ (карбонат ангидрид) эквивалентига етган бўлса, шундан 16 миллиард тоннадан ортиги қишлоқ хўжалиги тизими ҳиссасига тўғри келади. Иссиқхоналар эса ушбу занжирда энергияни энг кўп талаб қиладиган бўғин ҳисобланади. Мутахассислар оғоҳлантирмоқда:



ётганини кўрсатади.

Айни пайтда республика бўйича 2 минг 923 та субъектга қарашли жами 5 минг 155 та иссиқхона фаолият юритмоқда. Уларда 35 минг 530 нафар фуқаро доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Бу рақамлар иссиқхоналар нафақат қишлоқ хўжалиги, балки аҳоли бандлиги ва ижтимоий барқарорлик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатади. Иссиқхоналар мавсумийликни бартафари этиб, қиш ойларида ҳам бозорни янги сабзавот ва кўкатлар билан таъминлайди, аҳоли даромадини оширади. Бироқ тизимнинг энг заиф нуқтаси бор. Бу – иситиш!

Мутахассислар таъкидлаганидек, иссиқлик насослари ер, сув ёки ҳаводаги табиий энергияни юқори ҳароратли иссиқликка айлантиради. Уларнинг асосий афзаллиги – юқори самардорлик. Яъни 1 киловатт электр энергияси сарфлаб, 3–5 киловатт иссиқлик олиш мумкин. COP коэффициентини (самардорлик коэффициенти) 3–5 бўлган тизимлар учун бу оддий ҳол. Бу бир қарашда жуда жозибали ечимдек туюлади. Аммо айнан шу ерда муҳим бир жиҳат бор: энергия самардорлиги паст, етарлича изоляция қилинмаган иссиқхонага иссиқлик насоси ўрнатиш харажатни камайтирмайди, аксинча, оширади. Деворлари ва шифтлари орқали иссиқлик чиқиб кетадиган иншоотда ҳатто энг замонавий насос ҳам қутилган натижани бермайди, электр сарфи юқори бўлиб қолаверади.

Яшил иқтисодиёт ва қайта тикланувчи энергия лойиҳалари бўйича бошқарма бошлиғи Бехруз Мирзаевнинг таъкидлашича, иссиқлик насосларини геотермал энергия билан уйғунлаштириш энг мақбул ечим ҳисобланади. Бу усул ташқи ҳарорат –15 ёки –20 даражага тушган тақдирда ҳам электр истеъмолининг кескин ошиб кетмаслигини, иссиқхона ичида ҳарорат барқарор сақланишини ҳамда экологик таъсирнинг минимал бўлишини таъминлайди. Лекин бу ерда ҳам тайёр қолип йўқ. Ер ости сувлари захираси, геологик қатламлар, қудуқ чуқурлиги, сув айланиши имкониятлари олдиндан пухта ўрганилмаса, лойиҳа қутилган самарани бермаслиги мумкин. Бу эса илм-фан ва аниқ ҳисоб-китобсиз иш қилиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Катта ҳажмдаги иссиқхоналар учун мутахассислар иссиқлик насосларини кўш панеллари ва энергия сақлаш тизимлари билан бирга жорий этишни тавсия қилмоқда. Шу билан бирга, ҳарорат кескин тушиб кетадиган айрим кунлар учун қўшимча иситиш манбаи сифатида биоёқилги ёки фильтрли қаттиқ ёқилги тизимлари ҳам зарур. Яъни масалага комплекс ёндашув талаб этилади. Фақат битта технологияга суяниш етарли эмас.

Европа тиклиши ва тараққиёт банки таҳлилларига кўра, иссиқлик насослари иссиқхоналар эҳтиёжининг 70–80 фоизини қоплаши мумкин. Агар ушбу технология

маслиги мумкин.

O'zLiDePнинг ушбу масаладаги позицияси шу жиҳат билан эътиборга лойиқки, партия, аввало, самарадор иссиқхона, кейин технология таъминлини илгари сурмоқда. Бу ёндашув популизмдан йироқ, реал иқтисодий мантиққа асосланган. Бироқ амалий босқичда назорат суст бўлса, "иссиқлик насоси" номи остида самарасиз, ҳисоб-китобсиз лойиҳалар ҳам кўпайиб кетиши мумкин. Шунинг учун лойиҳалар илмий экспертизадан ўтиши, ҳудуд танлашда геология ва иқлим хусусиятлари инобатга олинishi, тадбиркорларга эса ҳаққий иқтисодий ҳисоб-китоблар очиб ва тушунарли тарзда етказилиши шарт.

Иссиқхоналар фақат сабзавот етиштириш масаласи эмас. Бу бир вақтнинг ўзида энергия, экология ва иқтисод масаласидир. Агар ана шу уч йўналиш ўзаро уйғунлашса, иссиқлик насослари ҳақиқатдан ҳам самарали ечимга айланади. Акс ҳолда эса, навбатдаги қиммат тажриба бўлиб қолиши мумкин. Кўриниб турибдики, O'zLiDeP айнан шу фарқни англаб, масалани тўғри қўя бошлади. Энди энг асосий сивон – бу ёндашувнинг амалда қандай натижа беришидир.

Иссиқлик насослари билан иситиш ягона йўлми?

Газ етиштириш, кўмир ҳавони заҳарлайди, электр эса қиммат. Шу ўринда табиий савол туғилади: иссиқхонани иситишнинг ягона йўли ростдан ҳам иссиқлик насосларими?

Дунё тажрибаси бу саволга аллақачон бошқача йўсинда жавоб бериб бўлган. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иссиқхонани фақат ёқилги ёқиб орқали эмас, балки табиий энергияни тўплаш, сақлаш ва тўғри тақсимлаш ҳисобига иситиш усуллари кенг қўлланилмоқда. Масалан, Лотин Америкаси давлатлари ва АҚШда "Walipini" деб аталадиган ерости иссиқхоналари анча машҳур. Бу иссиқхоналар ер сатҳидан 2–3 метр чуқурликда қурилади. Ернинг ўзи табиий "термос" вазифасини бажаради: қишда сувни, ёзда эса иссиқни ўтказмайди. Натижада ҳатто қиш фаслида ҳам бундай иссиқхоналарда ҳарорат +10...+15 даража атрофида сақланади, қўшимча газ ёки электрроз.

Европа мамлакатларида эса иссиқлик насослари, кўш коллекторлари, иссиқликни сақловчи сув ёки тош аккумуляторлари кенг жорий қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳам бундай илғор ёндашуларга эҳтиёж катта.

Аммо жавобни узокдан қидириш шартмикин? Аслида, биз излаётган саволга жавоб ўзимизда аллақачон бор, десак ишонаверинг.

Боболаримиз буни анча олдин билган, биз эса бу қадим усулни аста-секин унутиб бормоқдамиз. Қишлоқ жойларда катта авлод ҳали ҳам эслайди: илгари иссиқхоналарда газ ҳам, электр ҳам бўлмаган. Совуқ кескин тушган кечаларда айрим деҳқонлар 20–30 та товуқни иссиқхонага қамаб қўйган. Оқибатда эрталаб кириб қаралса, иссиқхона ичида ташқи ҳавога нисбатан анча илқ ва мўътадил ҳарорат сақланиб турган. Бу тасодиф эмас. Чунки бир товуқ ўртача 10–15 ватт иссиқлик чиқаради. Йигирма-ўттизта товуқ эса 200–450 ваттлик доимий, табиий иссиқлик манбаи демакдир. Яхши изоляция қилинган иссиқхонада бу иссиқлик бутун тун давомида сақланиб туради. Қисқача айтганда, товуқ – тирик мини-радиатор вазифасини бажарган.

Яна бир тажриба – гўнган фойдаланиш. Бугун айрим тадбиркорлар иссиқхона остида одам бўйи чуқурликда ҳандақ қазиб, уни чорва гўнги билан тўлдирмоқда. Гўн парчаланиш жараёнида табиий равишда иссиқлик чиқаради. Усти қалин тахта ёки бетон қатлам билан ёпилиб, унинг устига иссиқхона қурилади. Натижада пастки қатлам доим илқ бўлиб туради. Бундай иссиқхоналар кўп қатламли тарзда ташкил этилади: пастда сабзавот кўчатлари, ўрта қатламда гуллар, юқори қисмида эса кўзқорин ёки иссиқсевар манзарали ўсимликлар етиштирилади. Иссиқ ҳаво пастдан юқорига кўтарилиб, ҳар бир қатлам ўз эҳтиёжига мос ҳароратни тақсимлаб олади. Энг муҳими – бу усулда бир томчи ҳам газ сарфланмайди.

Шу боис иссиқхонани иситиш масаласи фақат газ ёки электр танқислиги билан ўлчанмаслиги керак. Бу, аввало, ақл, тажриба ва табиат қонунларини тушуниш масаласидир. Боболаримиз товуқ билан, тадбиркорлар гўн билан, дунё эса "Walipini" ва иссиқлик насослари билан иситяпти. Биз эса ҳали-ҳамон ягона ечим сифатида қувурга қараб қолганмиз.

Агар иссиқхона соҳасини барқарор, самарали ва экологик тоза қилишни истасак, аънавий билимларни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириб, қатъий экологик назоратни йўлга қўйиши лозим бўлади. Акс ҳолда, иссиқхоналар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш баҳонасида об-ҳавони заҳарлашда давом этаверади.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
"XXI asr" муҳбири



дор, бодринг, қалампир, салат барги сабзавотлари жами иссиқхоналарда ишлаб чиқариладиган ҳосилнинг 60 фоизини ташкил қилади.

Глобал иссиқхоналар бозори ҳам иқтисодий жиҳатдан сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда дунё иқтисодиётида иссиқхоналар улуши 33–42 миллиард доллар атрофида бўлган. Яқин келгуси йилларда бозор янада кенгайиши, технологиялар, автоматлаштириш ва агроиклим назорат тизимлари орқали тобора самарадорликка эришилиши кутилмоқда.

Иссиқхона соҳаси ҳар бир минтақада турлича ривожланган. Европада, айниқса, Нидерландияда юқори технологияли иссиқхоналар устун бўлса, Жанубий Европада помидор, қалампир ва салат етиштириш кенг тарқалган. АҚШ ва Канадада сабзавот, микрокўкатлар ва декоратив гуллар асосий маҳсулот ҳисобланади. Осиёда Хитой етакчи ўринда бўлиб, Японияда эса LED ёритиш ва автоматизацияга асосланган замонавий иссиқхоналар мавжуд. Марказий Осиёда помидор ва бодринг етиштириш ҳамда экспорт салоҳияти юқори.

Иссиқхона технологиялари аънавий усуллардан тортиб, гидропоника, LED ёритиш, роботлаштириш ва AI тизимларигача жадал ривожланмоқда. Мутахассислар фикрича, 2030 йилгача глобал иссиқхона бозоридан олинандиган даромад 60 миллиард долларга яқинлашади. Ушбу соҳа озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорликда муҳим аҳамиятга эга.

Рақамлар ортидаги аччиқ ҳақиқат

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистонда ҳам иссиқхоналар қишлоқ хўжалигининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Бугун улар нафақат аҳолини йил давомида сабзавот билан таъминлаб келяпти, балки экспорт орқали мамлакатга валюта тушумини ҳам олиб кирмоқда. Бироқ бу ўсиш ортида жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, энергия танқислиги, ҳавонинг кескин ифлосланиши, иқтисодий самарасизлик ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир шулар жумласидан.

Расмий рақамлар соҳа қандай суръатда кенгайиб бораётганини яққол кўрсатмоқда. Жумладан, Европа тиклиши ва тараққиёт банки маълумотларига кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда 3 минг 228 та иссиқхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 3 минг 24 таси амалда фаолият юритиб келган. Уларнинг умумий майдони 6 минг 349 гектарни ташкил этган бўлса-да, реал ишлаб турган қисми 5 минг 274 гектарга тенг бўлган.

Муаммо шундаки, Ўзбекистондаги иссиқхоналарнинг қарийб 88 фоизи қиш мавсумида мажбурий иситишга муҳтож. Илгари уларнинг катта қисми табиий газ ҳисобидан иситилган. Аммо газ таъминотидаги узиллишлар сабаб сўнгги йилларда кўмир, мазут, ҳатто ишлатилган автомобиль шиналарини ёқиб каби хавфли амалиётлар кенг авж олди.

Ҳукумат иссиқхоналарнинг газ истеъмоли умумий сарфнинг атиги 1 фоизини ташкил этишини таъкидлашда, айнан шу "1 фоиз" атрофидаги нотўғри қарорлар Тошкент ва унинг атрофида ҳавонинг кескин ифлосланишига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Тошкент

агар энергия самардорлиги оширилмаса, Ўзбекистон иқлим бўйича ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариши қийинлашади.

Хулоса қилиб айтганда, иссиқхоналар Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади ва улардан воз кечиб бўлмайди. Бироқ ҳозирги усулда, яъни энергияни исроф қилган, атроф-муҳитни ифлослаган ҳолда давом этсак, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаймиз деб, аҳоли саломатлигини жиддий хавф остида қолдирган бўламиз. Энергияни тежаш, тоза технологияларга ўтиш ва ҳаво сифатини қатъий назорат қилиш – бу шунчаки экологик шир эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий зарурат. Акс ҳолда, иссиқхоналар берган фойдадан кўра келтирган зарар кўпроқ бўлиб қолиши эҳтимол жуда катта.



Партия ташаббуси ечим бўлади...ми?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган очиқ мулоқотда иссиқхоналарни иссиқлик насослари орқали иситиш масаласининг кўтарилиши жамоатчилик эътиборини тортиди. Масала илмий ҳисоб-китоблар, иқтисодий самарадорлик ва амалий тажриба асосида муҳокама қилинди. Бу эса O'zLiDePнинг сўнгги пайтларда иқтисодиёт ва тадбиркорликка оид масалаларда анча пухта, асосли позиция билан чиқиб кела-

тўлик жорий этилса, углерод чиқиндиларини 45 фоизгача камайтириш имкони бор. Бироқ бундай туб ислохотлар мамлакат миқёсида катта сармояни талаб қилади – тахминан 1,44 миллиард евро. Шу боис яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йилгилишда қиш мавсумида газ билан кафолатли таъминлаш, иссиқлик насосларига 20 фоиз компенсация бериш, ижтимоий солиқни 1 фоизгача тушириш ва ер солигини қишлоқ хўжалиги ставкасига ўтказиш каби қатор қўллаб-қувватлов чоралари эълон қилинди. Бу, шубҳасиз, муҳим ва ўз вақтида қўйилган қадам. Аммо мутахассислар фикрича, қатъий назорат, аниқ техник стандартлар ва шаффофлик бўлмаса, бу чоралар қутилган даражада самарабер-

МУНОСАБАТ



ЕРГА ЭЪТИБОР ЭЛГА БАРАКА КЕЛТИРАДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
ЎТган йил 26 декабрда
Олий мажлис
ва халқимизга
мувожаатномасида
қишлоқ хўжалигида
ҳосилдорликни янги
технологиялар асосида
ошириш, соҳани ҳар
томонлама қўллаб-
қувватлаш борасида
белгилаб берилган
вазифалар бутун
амалда ўз самарасини
бермоқда.**

Сўнги йилларда дунё микёсида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, қургўқчилик ва сув танқислиги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча қийинлаштирди. Бу, албатта, мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантириш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган ва жорий йилнинг ўзида деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар жойларда аниқ натижа бериб, аграр тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Энг муҳими, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишига айланди.

Давлат томонидан берилаётган имтиёзли кредит ва субсидиялар, суғориладиган ер фондини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар фермерларнинг молиявий барқарорлигини кучайтирди. Агро-сервис хизматларининг кенгайтиши, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, илм-фан билан амалиёт уйғунлиги қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқмоқда. Айниқса, 2026 йилдан бошлаб фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига субсидиялар Аграр соҳада тўловлар агентлиги орқали берилиши маблағларнинг ўз вақтида ва шаффоф етказилиши таъминлайди.

2025 йил якунларига кўра, юртимизда озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, илк бор 3,2 миллиард доллардан ошди. Мева-сабзавот маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган дав-

латлар сони 83 тага етди. Қўрилган олхўри ва ўрик экспорти бўйича Ўзбекистон дунёда 3-ўринни, шафтоли ва майизда 7, гилосда 8, узумда 13-ўринни эгаллаб турибди. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат.

Сўнги уч йилда 155 минг гектар боғ ва узумзорлар барпо этилди. Интенсив боғлар майдони 150 минг гектарга етказилди. 2025 йилда 3,4 миллион тонна мева, 2 миллион тонна узум, 19,5 миллион тонна сабзавот ва полиз, 1 миллион тонна дуккакли ва моили экинлар етиштирилди. Бу эса ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, қишлоқ хўжалигини тўқимачиликдан кейинги энг кўп валюта тушуми келтираётган соҳага айлантирди.

Оддий мисол, ўтган йили аграр соҳада 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли меҳнат қилди. Пахтачиликда илм-фан ютуқлари ва илғор агротехнологиялар жорий этилиши натижасида 875 минг гектар майдондан қарий 4 миллион тонна пахта хирмони кўтарилди. Ўртача ҳосилдорлик илк бор 46 центнерга етди. “Шинжон

тажрибаси” асосида 100 минг гектарда чигит экилиб, айрим хўжаликларда 80–100 центнергача ҳосил олинди. Ғалла ва шолчиликда ҳам рекорд кўрсаткичларга эришилди. Сув тежовчи технологиялар жорий қилиниши орқали миллионлаб куб метр сув тежаб қолинди. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида икки баробар ошириш, соҳанинг йиллик ўсиш суръатини 5 фоизга етказиш вазифаси мустаҳкам белгилаб олинди.

Президентиимизнинг 2025 йил 9 декабрдаги “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари билан фермерларга янада кенг имконият ва имтиёзлар берилди. Жумладан, 2026 йил ҳосилидан бошлаб ғаллани ўз маблағи ёки тижорат кредити ҳисобидан етиштириб, уни белгиланган тартибда қирш савдолари ёки давлат ресурслари сотган кишлоқ хўжалиги корхоналарига

маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдориди субсидия ажратилади.

Шунингдек, жорий йил 1 октябрдан банк кредити олмасдан, ўз маблағи ҳисобидан сув тежовчи технологияларни, хусусан, ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий этадиган фермерлар учун янги субсидия механизми йўлга қўйилади: ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг субсидиянинг 50 фоизи олдиндан Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан тўлаб берилади. Технология ўрнатилиб, ишга туширилгандан кейин қолган 50 фоизи ажратилади. Бу эса фермерларга юқори ҳосил олиш учун катта имкониятдир.

Ушбу қарорлар моҳиятини етказиш ва ижросини таъминлаш мақсадида жойларда Ўзбекистон фермерлари кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда семинар ва учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда. Янги йил ҳосилидан бошлаб “Шинжон тажрибаси” асосида 300 минг гектарда чигит экиш, 2 триллион 600 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳисобидан томчилаб суғориш технологияларини кенг жорий этиш ишлари алақачон бошлаб юборилди.

Жорий йилда мамлакатимизда 10 миллион тонна ғалла, 4,5 миллион тонна пахта, 4,5 миллион тонна картошка етиштириш, шунингдек, гуруч, чорвачилик, паррандачилик, ба-лиқчилик ва асаларчилик маҳсулотлари ҳажми янада ошириш мақсад қилинган.

Энг қувончли жиҳати, қишнинг баракали, серёғин келганидан фермер ва деҳқонларимиз жуда мамнун. Насиб этса, бу йил қишлоқ хўжалигида янги инновацион босқич йили бўлишига шубҳа йўқ. Дронлар орқали ер ва экин мониторинги, замонавий агродронлар ёрдамида агротехник тадбирлар, геномика асосида янги пахта навларини яратиш, юқори маҳсулдор чорва ва интенсив балиқ навларини кўпайтириш ишлари кенг қулоч ёзмоқда. Буларнинг барчаси фермер, боғбон ва деҳқонлар меҳнат самарадорлигини ошириб, соҳани янада юксак поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Зокир АЛЛАМУРДОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши
бўлим бошлиғи

ҚАРОР ВА ИЖРО

Кўрярсиз, замон тез ўзгармоқда. Баъзида содир бўлаётган воқеалар тадрижийлиги шу қадар тезобки, ҳафта ойлари билан тенглашиб қоляптимкан, деган уйга ҳам боради одам. Тараққиёт изчил ва бўронли суронлар билан турмуш тарзимизга кириб келаётганидан айрим ҳолатларга ҳайратланмай ҳам қўйдик.

...Ишлаб чиқарилганига эллик йилдан ошган техника воситалари ҳаракатини таққилош тўғрисидаги қарор одамларда турлича талқинларга сабаб бўлмоқда. Буни олқишлаётганлар бор, норозилик билдираётганлар ҳам топилади.

Собиқ шўролар замонида ишлаб чиқарилган “Зил” ва бошқа русумдаги юк машиналари эгалари, айниқса, бундай чораларни совуқроқ қарши-лашди. Сабаби, ҳамон озми-кўпми кўча-кўйларда бундай юк машиналари асосан қурилиш-хўжалик маҳсулотлари ё бошқа буюмларни миқозларга етказиб бериш билан машғул. Шундай хизмати ортидан рўзгор тебратишаётгани бор ҳақиқат.

Бундан ташқари “Волга”, “Жигули”, “Москвич” каби “ёшини яшаб қўйган” энгил машиналар ҳам анчагина. Тўғри, бу эски уловларда қирақашлик қилишмас-да (ҳозир манзилга тезкор етказадиган замонавий энгил машиналар турганида ким ҳам улар хизматидан фойдаланарди дейсиз), лекин ўша шалди-роқ “арава”лардан юртдошларимиз кўпроқ уй-рўзгор, қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланади. Қўшимча томорқасида деҳқончилик қилиб, экиш парварши даврида маҳаллий ё минерал ўғитлар ташишда ёки бўлма-са етиштирилган ҳосилни бозорга етказишда ишлатишяпти.

Ҳозирги кунда энгил ва юк машиналари сони кескин ортиб кетгани учун йўлларда ҳаракатланиш тобора қийинлашиб бормоқда. Эрталаб ва кечқурун катта йўлларда тирбандлик юзага келиши оддий ҳолга айланди. Шундай нуқулаи вазиятларни кел-

тириб чиқаришга баъзида эскирган, отам замондан қолган машиналар ҳам сабаб бўлаётгани бор гап. Тезлиги ҳаминқадар бўлгани учун улар йўлларда секин ҳаракатланиб, ордан келаётган замонавий машиналарга тўсиқ бўлиш ҳолати учрамоқда. Устига-устак ишлаб чиқарилганига эллик ва ундан ортиқ йил бўлган уловлар техник жиҳатдан бир қатор талабларга жавоб бермайди ва ҳатто баъзан кутилмаган йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда.

Энг қизиғи, кузатаётган бўлсангиз, ижтимоий тармоқларда ушбу мавзунинг роса кўпиртириш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Айримлар ушбу қарорни шахсий мулкка таҳдид дейишгача боргани ғалати. Шу жараёнда “очко” ишлаб қолишни уйлаган айрим блогерларнинг кетмони учди. Улар табиий жараёни бошқача йўсинга буриб, ҳатто фуқаролар ўртасида норозилик кайфияти уйғотишгача етишмоқда. Чукур ўйланган ушбу чора-тадбирнинг техник ва бошқа жиҳатларини халқимизга тўғри, холис тушунтиришга уринган мутахассислар фикрлари бундай пайтда жуда муҳимдир...

Биламиз, шахсий мулк дахлсизлиги Конституциямизда кафолатлаб қўйилган. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Оддий мисол, кимдир бобомерос деб, деворлари нурай бошлаган эски иморати ичида яшовчилар ва ён атрофдагилар ҳаётига ўта хавфли экани аниқ бўлган шароитда шу кулба ичида ётволиб, унинг бузилишига тўсқинлик қилиши ақлга сиғадими? Вазиятни тўғри баҳолаб, эски иморат ўрнига янгисини қурмоқ таррадуғига тушади.

“Эскирганлик”, “фойдаланиш муддати ўтганлик” каби қонуний асосларда эски транспортларни чиқит-га чиқариш хориж мамлакатларида кўп йиллик оддий амалиёт. Бунда эски автомобиллар махсус жойларда кучли пресс ускуналари ёрдамида мажмақланиб, сўнг майда-майда қий-



қимларга ажратиб, қайта эритиш ва тоза металлга айлантириш учун домна эгасига юборилади. Бу жараёнда эгасига транспортнинг қайси металлардан ясалгани аниқланиб, асосан темир қийматида товон пули тўланади.

Ёки ижтимоий тармоқларда кўп қаватли осмонўпар бинолар муддатини ўтаб, яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабаб махсус хизматлар томонидан атроф-муҳитга беэарар тарзда портлатиб, йўқ қилиниши ҳолатлари тасвирга олинган минглаб видеолар ҳақлари кўрганмиз. Ҳатто муддати ўтган йирик санаят корхоналари, атом электр станциялари мажмуалари ҳам шу тариқа бузилиб, хавфсизлантирилиши лаҳзалари акс этган лавҳалар исталганча топилади. Айрим хорижий давлатларда

транспорт воситаларининг яроқчилиги муддати 25 йил қилиб белгиланган. Шу муддатдан ошган ҳар қандай транспорт ҳаракатига тақиқ қўйилади. Мамлакатимизда бундай амалиёт илк бора қўлланилаётгани учун айримларга ёқмаяпти. Қолаверса, муддатнинг эллик йил қилиб белгилангани ҳам бежизмас. Бу муддат “ўттиз”, “қирқ” яшар техника воситалари эгаларига ўз уловларидан бемалол фойдаланиш имконини бермоқда. Ва яна жаҳоний тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқарилган йилининг аҳамияти йўқ айрим машиналар “антиквар” мақомини олиб, уларга алоҳида авто-рақам берилиши ҳам назарда тутилган. Эски машиналарнинг ноёб деган мақом олишининг белгиланган бир қатор талаблари бор. Унга кўра машинанинг асосий агрегатлари сақла-

ниб қолган ва техник жиҳатдан ҳам соз ҳолатда бўлиши шарт. Биламизки, эски машиналарнинг аксариди мотори у ёқда турсин, ҳатто кузов қисми ҳам бир неча марта ўзгартирилган бўлади.

Танишимнинг отасидан мерос бўлиб қолган “Победа” русумли энгил машинаси бор. У гоҳида шу машинани ҳайдаб кўчага чиқади, туй-хашамларга боради. Шундай пайтда “ғалати машина”ни томоша қилувчилар кўпаяди. У Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ишлаб чиқарилган бўлса-да, жуда аяб, авайлаб ҳайдалгани учун яхши сақланган. Ҳеч шубҳасиз, бу улов олти мучал яшаган бўлсам антиквар мақомини олади ва ҳали кўп авлодлар ҳавасу ҳайратини келтириб юради.

Ушбу масаланинг бошқа томони ҳам бор. “Эскини тузатгунча эсинг

кетайди”, деган ибора бехуда айтилмаган. Кўп бора кўрганмиз, эски машиналар бир кун юрса, уч кун устакхонада таъмирталаб бўлиб ётади. Эгалари

куйиниб: “Топганимнинг ярмиси тузатишга кетайди”, деб ёзғириб юради.

Энди тасаввур қилинг, инсонлар ҳам жинсига қараб 55-60 ёшида пенсияга чиқади. Табиатнинг метин қоидаси талаби шундай!

Демак, истаимизми-йўқми, техника ҳам одамга ўхшайди-да. Вақт уларни ҳам қаритади. Буни билмаган, билса-да, тан олмайдиганлар эллик-олтмиш йилдан бери хизматини қилиб, адои тамом бўлган эски машинани қамчилаб, яна йўлга солмоққа уринади. Йўқ, унга ҳам раҳмингиз келсин, шунча йил ҳалол хизмат қилган бўлса, ками қолдими энди?

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ТАҲЛИЛ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

БИЛАН ИШЛАШ УЧУН ҲАМ

АҚЛ

КЕРАК

БУТУНГИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВРИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ҲАЁТИМИЗГА ДАДИЛ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ИНСОН ОМИЛИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАЁТГАНИ ҲАҚИҚАТ. ШУ БИЛАН БИРГА, АЙРИМ ХАВОТИРЛАРГА ҲАМ САБАБ БЎЛАЁТГАНИ СИР ЭМАС. МАСАЛАН, “ЭНДИ БОЛАЛАРИМИЗ ЎҚИМАЙДИ, ЁДЛАМАЙДИ, ИЛМ ОЛИШГА ИШТИЁКИ ВА ХОТИРАСИ СУСАЙИБ КЕТАДИ”, “СИ ВАЗИФАМИЗНИ ОЛИБ ҚЎЙМОҚДА, БУ КЕТИШДА ИШСIZ ҚОЛАМИЗ-КУ...” ДЕГАНДАЙ.

Албатта, бу каби хавотирлар бир жиҳатдан ўринли ва соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсоннинг табиий реакция-сидир. Эсланг, ҳар қандай технологик инқилоб (масалан, бир замонлар радио-телевидение, калькулятор, электрон жиҳозларнинг пайдо бўлиши ёки интернетнинг оммалашуви) шундай кўрқувларни олиб келмаганми?

Аслида, сунъий интеллект – инсон онгига хос бўлган вазибаларни бажара оладиган компьютер тизимлари ёки алгоритмларидир. Оддий айтганда, бу машиналарнинг фикрлаши, ўрганиши ва мустақил қарор қабул қилишидир. Агар оддий дастурлар фақат берилган катъий буйруқларни бажарса, СИ маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўзи хулоса чиқаради. Унинг асосини машинавий ўрганиш (machine learning) ташкил этади, катта ҳажмдаги маълумотларни “ҳазм қилиш” орқали қонуниятларни топади.

Сунъий интеллект аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Кўпинча биз унинг борлигини сезмаймиз ҳам, лекин у кундалик юмушларимизни сезиларли даражада осонлаштиради. Илгари биз Googleдан маълумот қидирган бўлсак, энди СИдан тайёр жавоб оламиз. Бизнинг энг яқин ёрдамчимиз бўлган смартфонлар СИнинг энг катта уяси ҳисобланади. Siri, Google Assistant ёки Alexa орқали чироқни ёқиш, кўнғирок қилиш ёки эслатма ёзиш, буларнинг барчаси овозни таниш алгоритмлари ёрдамида ишлайди. Юзни таниш (FaceID) – телефонингизни очишда қўлланиладиган технология юзингизнинг биометрик нуқталарини сонининг минг бўлақларида таҳлил қилади. Ёзаётган сўзингизни олдиндан сезиш ва хатоларни тузатиш, йўлларда вақтимизни тежашда унинг ўрни беқиёс. Google ёки Яндекс СИ ёрдамида тирбандликни баҳолаб, энг тезроқ йўлни ҳисоблаб беради. Яндекс Go каби иловалар нархни белгилаш ва энг яқин ҳайдовчини топишда мураккаб алгоритмлардан фойдаланади. Тил тўсиқларини енгишда ҳам СИ инқилоб қилди. Google Translate ва DeepL орқали ҳозирги таржималар шунчаки сўзма-сўз эмас, балки матннинг маъносини (контекстни) тушунган ҳолда амалга оширилмоқда. Duolingo каби иловалар СИ ёрдамида сизнинг хатоларингизни ўрганади ва айнан сиз қийналган мавзуларни кўпроқ такрорлатади.

Ҳатто сизга нима ёқишини сиздан яхшироқ билиши мумкин, десам ҳайрон бўлмассиз! Рад этишга шошилманг, YouTube ва Netflixда сизга ёқиши мумкин бўлган видеолар рўйхати сизнинг аввалги кўрган нарсаларингиз асосида шакллантирилади. Instagram ёки TikTok лентасидаги контент айнан сизнинг қизиқишларингизга мослаб сараланади. Ижод ва иш самарадорлигида ҳам у сизга кўмакчи ва бу соҳа охириги йилларда энг тез ривожланди. ChatGPT ва бошқа чат-ботлар маълумот излаш, хат, код ёзиш ёки шунчаки ғоялар ўйлаб топишда энг яқин кўмакчига айланди. Midjourney ёки DALL-E каби тизимлар биргина матли буйруқ орқали профессионал даражадаги расмлар чизиб бермоқда. Қисқача айтганда, сунъий интеллект бизнинг ақли соямизга айланиб қолди. У бизга вақтни тежаш, хатоларни камайтириш ва мураккаб вазибаларни соддалаштиришга ёрдам бермоқда.

Қизиғи шундаки, СИ кундалик ҳаётимизда яна қатор имкониятларни тақдим этмоқда. Эндликда у сизнинг кун тартибингизни билади. Шу боис учрашувларни режалаштиради, яъни электрон почтадаги хатларни таҳлил қилиб, муҳим мулоқотларни тақвимга киритади. Маълумотларни саралайди, кун давомида келган юзлаб хабарлардан энг муҳимларини ажратиб, қисқача мазмунини улашади. Уйингизни ҳам бошқаради ва одалатларингизни ўрганади. Уйда бўлмаган вақтингизда чироқ ва иситиш тизимларини ўчиради ёки минимал даражада туширади. Камералар СИ ёрдамида бегона одамни уй аъзоларидан ажрата олади ва шубҳали ҳаракат ҳақида дарҳол хабар беради. У сиз учун индивидуал репетиторга ҳам айланмоқда. Сиз билан исталган тилда жонли мулоқот қилади, хатоларингизни тузатади ва даражангизга мос машқлар беради. Ҳар қандай қийин тушунчани (масалан, квант физикаси ёки математик формулани) содда тилда тушунтириб беради. Смарт соатлар ва соғлиқни кузатиш иловалари СИ ёрдамида юрак уриши, уйку сифати ва жисмоний фаолликдаги кичик ўзгаришларни сезиб, касаллик бошланишидан олдин огоҳлантиради. Таомингиз суратини кўриб, унинг калориясини ва таркибидagi фойдали моддаларни ҳисоблаб беради. Ёки “Кечки овқатга нима пиширсам бўлади?” деган саволга

музлаткичингиздаги бор маҳсулотлардан келиб чиқиб рецетп тақдим этади.

Инсон бир неча кун давомида бажарадиган маълумотларни қайта ишлаш вазифасини у бир неча сонияда бажара олади. Чарчамайди ва 24/7 режимида ишлайди. Инсон омили сабабли юзага келаётган хатолар (чарчок, диққатнинг тарқоқлиги) унда кузатилмайдди. Агар алгоритм тўғри соналган бўлса, у ҳисоб-китоб ва таҳлилларда жуда юқори аниқликни таъминлайди. Инсон ҳаёти учун хавфли бўлган муҳитларда ишлаш олади: океан тубини тадқиқ қилиш; космик миссияларни бажариш; радиация юқори бўлган ҳудудларда ишлаш ёки миналарни зарарсизлантириш шулар жумласидан. Биздан фарқи ўлароқ, сунъий интеллект ҳиссиётга берилмайди, фақатгина мавжуд рақам ва фактларга таяниб, энг мақбул ечимни тақлиф қилади.

Тиббиётда касалликларни (масалан, саратон) илк босқичда рентген тасвирлари орқали аниқлайди. Таълимда ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш даражасига мос индивидуал дастур яратди. Транспорт йўналишида ҳайдовчисиз автомобиллар орқали йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиради. Бизнесда мижозларга хизмат кўрсатувчи чат-ботлар ва бозор трендларини прогноз қилади.

БИЗНЕСДА БЕМИННАТ КЎМАКЧИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий электорати тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар, умуман, бизнес эгалари бўлгани боис сунъий интеллектнинг улар учун фойдали жиҳатлари ҳақида кенгроқ тўхталиш айтиш мумкин. Айтиш жоизки, сунъий интеллект эндиликда бизнес учун шунчаки тренд эмас, балки асосий стратегик инфратузилмага айланди, десак муболага бўлмайди. У компанияларга харажатларни камайтириш, даромаднинг ошириш ва мижозлар билан ишлаш сифатини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Жумладан, мижозларга хизмат кўрсатиш (24/7 қўллаб-қувватлаш). Замонавий чат-ботлар ва овозли ёрдамчилар мижозларнинг саволларига инсон каби жавоб бера олади. Мижозлар кўтиб қолмайди, компания эса операторлар учун кетадиган харажатларни тежайди. “Менинг буюртмам қаерда?” деган саволларга у сониялар ичида жавоб беради.

Башоратли таҳлил (Predictive Analytics). СИ катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил этиб, келажакдаги тенденцияларни прогноз қилади. Қайси маҳсулотга талаб ортиши ёки қачон ускуналар бузилиши мумкинлигини олдиндан билади. Натижада ортиқча захира сақлаш харажатларни камайтиради.

Шахсийлаштирилган маркетинг. СИ ҳар бир мижознинг хатти-ҳаракатини ўрганади ва унга айнан керакли маҳсулотни тақлиф қилади. Оммавий реклама ўрнига “ҳар бир мижоз учун алоҳида ёндашув” тизими ишлайди. Қарабсизки, сотувлар ҳажми ва мижозларнинг содиқлиги ортади.

Операцион жараёнларни автоматлаштириш. СИ мураккаб ҳужжатларни таҳлил қилиш, ҳисоб-фактураларни текшириш ва бухгалтерия ишларини автоматик бажариши мумкин. Масалан, Agentic AI тизимлари нафақат таҳлил этади, балки мустақил равишда қарор қабул қилиб, вазибаларни бажаради (масалан, таъминотчига автоматик буюртма беради).

Эндликда умумий СИ моделлари (масалан, ChatGPT) ўрнини аниқ бир соҳа учун (масалан, фақат тиббиёт, фақат курилиш ёки молия учун) махсус ўқитилган моделлар эгалламоқда. Бу аниқликни кескин оширади. Кичик бизнес эгалари шунга эъди тўғишлари керакли, улар соҳада уни жорий этишни катта тизимлардан эмас, балки оддий чат-ботлар ёки маълумотларни таҳлил қилувчи тайёр СИ-асбоблардан (SaaS) бошлалари мақсадга мувофиқ.

СИНИНГ СИРЛИ ЗАРАРЛАРИ ЙЎҚМИ?

Сунъий интеллект катта имкониятлар эшигини очса-да, унинг ривожланиши маълум хавф ва зарарли жиҳатлардан холи эмас. Унинг оддий ва такрорланувчи вазибаларни (маълумот киритиш, заводдаги йиғув ишлари, хаттоки мижозларга хизмат кўрсатиш) инсондан кўра тезроқ бажариши кўплаб соҳаларда ишсизлик даражаси ошишига олиб келиши мумкин. Ёки СИ ўқитилган маълумотлар базасида бирор гуруҳга нисбатан адолатсизлик бўлса, СИ ҳам худди шу хатони такрорлайди. Масалан,

кадрларни саралаш тизими жинси ёки ирқига қараб ноҳолис қарор қабул қилиши мумкин. Унга ҳаддан ташқари ишониб қолиш инсоннинг мустақил фикрлаши, ижодий ёндашуви ва муаммоларни ечиш кўникмаларининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Сунъий интеллект алгоритмлари ишлаши учун жуда катта ҳажмдаги шахсий маълумотларни тўплаши, маълумотларнинг нотўғри қўлларга тушиши ёки кузатув мақсадларида ишлатилиши шахсий дахлсизликни хавф остига қўяди. Унинг ёрдамида одамнинг юзи ва овозини айнан ўзиникидек қилиб сохталаштириш мумкин, бу технология (Deepfake) фирибгарлик, сиёсий манипуляция ва ёлғон хабарлар тарқатиш учун қўлай воситага айланиб борапти. Табиийки, бу ҳолатлар кўпчилики хавотирга солмоқда.

Эътибор бериш керакли, СИ видеоларни яратганда ҳали ҳам баъзи майда деталларда хато қилади. Хусусан, сохта видеоларда инсон кўзини табиий юмсаллиги ёки жуда кам юмиши мумкин. Юз ва соч туташган жойлар, қўллар ёки буйин қисмида хираланиш, титраш кузатилади. Мимика ва овоз мос келмаслиги, яъни лаб ҳаракати айтилаётган гапдан бироз орқда қолиши ва аксинча бўлиши мумкин. Агар сиз ижтимоий тармоқларда шов-шувли ёки шубҳали видео (масалан, машур инсоннинг кутилмаган баёноти) кўрсангиз, уни дарҳол бошқа расмий манбалар билан солиштиринг. Бу видео расмий янгиликлар сайтларида борми, видеонинг асл манбаси қаердан, деган саволларга ишончли жавоб изланг.

Кенг тарқалётган амалиётлардан бири – фирибгарлар яқинларингизнинг овозини СИ орқали тақлид қилиб, пул сўраши мумкин. Бунга мағлуб бўлмаслик учун оилангиз билан фақат ўзингиз биладиган пароль ёки махфий сўз келишиб олинг. Шубҳали кўнғирок бўлганда ўша сўзни сўранг. Агар яқинингиз шошилиш пул сўраса, гўшақни кўйиб, унинг ўзига қайта кўнғирок қилинг.

Сунъий интеллект хавфларига қарши 3 та асосий қоида:
шубҳа билан қараш – ҳар қандай ҳиссиётга бой хабарга дарҳол ишонманг;
икки босқичли аутентификация – барча ижтимоий тармоқ ва почталарингизга қўшимча ҳимоя ўрнатинг;

таълим – рақамли технологиялар имкониятлари ҳақида янгиликларни кузатиб боринг, чунки хавфлар ҳам доимий ўзгариб туради.

Унутманг, СИ сизнинг маълумотларингиз билан озикланади. Сиз киритган банк картаси рақами ёки шахсий манзилнинг унинг хотирасида қолади ва келажакда бошқа жавоб бераётганда тасодифан чиқиб қолиши мумкин. Мисол, бир компания ходими махфий кодни СИга тақдирлаган ва ўша код тизимнинг умумий базасига тушиб қолган.

Маълумотлар назоратингиздан чиқади. СИ чатига маълумот ёзганингизда, у маълумот нафақат серверга боради, балки ўша компаниянинг ходимлари ёки хавфсизлик бўйича мутахассислари томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Сиз ўчириб ташладим, деб ўйлаган чатингиз компания архивда сақланиб қолиши мумкин.

Ҳар қандай рақамли тизим каби СИ компаниялари ҳам хужумга учраши мумкин. Агар СИ билан суҳбатда паспорт маълумотлари ёки паролларингизни ёзган бўлсангиз ва тизим бузилса, бу маълумотлар фирибгарлар қўлига тушади. Натижада пулларингизнинг ўғирланишига олиб келади. Сизнинг номингиздан турли ҳужжатлар расмийлаштирилиши мумкин. Тижорат сирини фош қилиш ва ишдан айрилиш хавфи юзага келади.

Хуллас, интернет бу – кўчадаги катта доска. Унга нима ёзсангиз, ҳамма кўриши ва ҳеч қачон ўчириб бўлмастлигини унутманг. Агар сиз бирор маълумотни бегона одамга кўчада айтишга қўрқсангиз, уни СИга ҳам асло ёзманг.

ФИКРЛАШДАН ТЎХТАГАН ЖАМИЯТ

Технологияларга ҳаддан ташқари сунъий қолиш ва шахсий илм олишдан воз кечишнинг оқибатлари ҳақида гап кетганда жаҳон адабиётидаги энг кучли асарлардан бири – Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романини келтириш мумкин. Гарчи бу асар 1953 йилда ёзилган бўлса-да, ундаги башоратлар бугунги рақамли даврга жуда мос. Инсонлар китоб ўқишдан воз кечиб, фақат кўнгилоқар технологиялар ва тайёр ахборот истеъмолчисига айланишади. Қаҳрамонлар девор-экранлар билан гаплашади (бугунги СИ чат-ботларига ўхшаш) ва улар тақдим этган маълумотларни шубҳасиз қабул қилади. Одамлар мураккаб фикрлашдан қочади, чунки технология улар учун ҳамма нарсани ҳал қилиб беради. Натижада жамият маъна қашшоқлашиб, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини йўқотади.

Сунъий интеллект ва технологияларга ҳаддан ташқари ишониб қолишнинг аянчли оқибатларини ва инсон ақлининг нақадар муҳимлигини инглиз ёзувчиси Эдвард Морган Форстернинг “Машина тўхтади” илмий-фантастик ҳикоясида ҳам кўриш мумкин.

Асарда келажакдаги инсоният ер остида, ҳар бири алоҳида кичик хоналарда яшайди. Уларнинг барча эҳтиёжларини (овқат, кийим, тиббиёт, ахборот) “машина” деб аталувчи гло-

бал тизим (СИнинг ўша даврдаги тасавури) бошқаради. Одамлар бир-бири билан юзма-юз кўришмайди, фақат экранлар орқали гаплашади (видеокўнғироклар каби). Инсонлар машина берадиган тайёр ғоялар ва маълумотларга шу қадар ўрганиб қоладики, изланишдан ва табиатни кузатишдан тўхтади. Улар учун техника Худого айланади. Ҳамма нарсани машина бажаргани учун инсонлар жисмонан заифлашиб, фикрлаш қобилиятини йўқотади.

Асарнинг энг муҳим нуқтаси – машина тўхтаб қолганда нима содир бўлишида. Машина бузила бошлаганда одамлар уни қандай тузатишни билмайди. Чунки улар илм олишни, тизим қандай ишлашини ўрганишни эмас, балки фақат ундан фойдаланишни билган ҳолос. Улар тизимнинг қўлига айланиб қолган. Асар қаҳрамонларидан бири Куно машинага қарши бориб, ер юзига чиқишга ҳаракат қилади. У машина берган тайёр маълумотлардан кўра ўз кўзи билан кўрган ҳақиқатни афзал билади. Ниҳоят, Машина ишдан чиқади ва унга боғланиб қолган бутун цивилизация ҳалокатга учрайди. Қаҳрамонлар Куно ва Вашти (Кунонинг онаси) инсонийликнинг асл моҳияти – табиат ва ҳақиқий ҳиссиётлар эканини англаб етдилар.

Зеро, илм – эркинликдир. Илмли инсон тизим бузилган тақдирда ҳам яшаб қолади...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI as” муҳбири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI as” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 0245
Адади: 6329
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI as” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ



Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИДИ

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ